

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

39-сон
(227)
2006 й.
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.



МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

385. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 27 сентябрдаги ЎРҚ-56-сон Қонуни

386. «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 28 сентябрдаги ЎРҚ-57-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

387. «Кимматли қофозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарори

388. «Малайзия фуқаролари учун виза тартибини соддалаштириш тўғрисида» Ўз-

бекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-476-сон қарори

Учинчи бўлим

389. «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алокалари ни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги 203-сон қарори

390. «Кимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 27 сентябрдаги 205-сон қарори

Бешинчи бўлим

391. «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси томонидан ўтказиладиган биржа савдоларида пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 16 августдаги 5, 72, 01/УзРТСБ-01-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 сентябрда 1623-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

392. «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг Миллий стандарти (4-сон АФМС) «Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларига қўйиладиган талаблар»ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 21 августдаги 76-сонли бўйруфи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 сентябрда 1624-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2006 йил 23 сентябрдан 29 сентябргacha бўлган маълумот

+

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

385 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 30 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда, 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **27-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга карши курашиб департаменти»** деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **135-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «транспорт воситаларини бошқариши» деган сўзлардан кейин «худди шунингдек ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан (хисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариши» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) қўйидаги мазмундаги **176³-модда** билан тўлдирилсин:

* Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 28 сентябрда эълон қилинган.

«176³-модда. Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш

Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарим солишга сабаб бўлади»;

4) **245-модданинг биринчи қисми** «176-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлардан кейин «176³» рақами билан тўлдирилсин;

5) **264-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридағи Солик ва валютага оид жиноятларга карши курашиш департаменти» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиной даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 287-модданинг:

1-банди «176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлардан кейин «176³» рақами билан тўлдирилсин;

8-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) ушбу Кодекснинг 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида (радио-электрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни сотиш ёхуд ўзгага доимий ёки вактингчалик фойдаланиш учун бериш қисми), 164-моддасининг учинчи қисмида, 166, 170-моддаларида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 176³, 198-моддаларида назарда тутилган хукуқбузарликлар содир этилган тақдирда давлат солик органларининг, Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиной даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан»;

7) **289-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга карши курашиш департаменти» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиной даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 291-модданинг биринчи қисми:

«а» бандидаги «137-моддаларида» деган сўзлар «137, 176³-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«д» банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) ушбу Кодекснинг 164, 166, 167, 168, 172, 173, 176, 176³-моддаларида назарда тутилган маъмурий хукуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиной даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5,

67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **136-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари** «автомотортранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

2) **565-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги 343-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) **26-моддаси биринчи қисмининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари** «автомотортранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсан.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 сентябрь,
ЎРҚ-56-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

386 Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 29 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда
маъкулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги (бундан буён матнда саноат хавфсизлиги деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 29 сентябрда эълон қилинган.

2-модда. Саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

3-модда. Саноат хавфсизлиги. Авария ва ноxуш ҳодиса

Саноат хавфсизлиги шахс ва жамият ҳаётий мухим манфаатларининг хавфли ишлаб чиқариш обьектларидағи авариялар ва ноxуш ҳодисалардан ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектларидағи авария иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш обьектларида қўлланиладиган техника қурилмаларининг бузилиши, назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқишидир.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектларидағи ноxуш ҳодиса хавфли ишлаб чиқариш обьектларида қўлланиладиган техника қурилмаларининг ишдан чиқиши ёки шикастланиши, технология жараёни режимидан четга чиқиш, саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларида, шунингдек норматив техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларнинг бузилишидир.

4-модда. Хавфли ишлаб чиқариш обьектлари

Хавфли ишлаб чиқариш обьектлари жумласига:

1) қуйидаги хавфли моддалар:

портлаш-ёнгин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар;

тасдиқланган стандартларга мувофиқ тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I, II ва III хавфлилик даражаларига (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртacha даражада хавфли) мансуб зарарли моддалар;

муайян турдаги ташки таъсир чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қилган холда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар;

инсон соғлиғи ва атроф муҳит учун хавфли концентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқарничилилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, ўқ қилинадиган;

2) 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидағи қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган ускуналардан фойдаланиладиган;

3) кўчмас асосга ўрнатилган юқ кўтариш механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлардан (тоғ темир йўлларидан) фойдаланиладиган;

4) қора ва рангли металлар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган;

5) кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари, шунингдек бошқа ишлаб чиқарничилилари киради.

5-модда. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва идентификациялаш

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари саноат хавфсизлиги соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи (бундан бўён матнда маҳсус ваколатли давлат органи деб юритилади) томонидан хавфли ишлаб чиқариш объектларининг давлат реестрида албатта ҳисобга олинади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган тартибда ушбу Конуннинг 4-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

6-модда. Саноат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан тартибга солиш

Саноат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, маҳсус ваколатли давлат органи, шунингдек қонун хужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Саноат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан тартибга солиш:

- саноат хавфсизлиги талабларини белгилашни;
- саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини;
- хавфли ишлаб чиқариш объектларида кўлланиладиган техника қурилмаларини сертификатлаштиришни;
- фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни;
- саноат хавфсизлиги экспертизасини;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа чораларни ўз ичига олади.

7-модда. Саноат хавфсизлиги талаблари

Саноат хавфсизлиги талаблари қонун хужжатларida, шунингдек норматив техник хужжатларда назарда тутилган шартлар, тақиқлар, чеклашлар ва бошқа мажбурий талаблар бўлиб, уларга риоя этилиши саноат хавфсизлигини таъминлайди.

8-модда. Хавфли ишлаб чиқариш обьектини лойихалаш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилиб олишга оид саноат хавфсизлиги талаблари

Хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишни амалга ошириш учун лойиха хужжатлари саноат хавфсизлиги экспертизасининг ижобий хулосаси бўлиши зарур.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатиш жараёнида лойиха хужжатларидан четга чиқишлирга йўл қўйилмайди. Хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиха хужжатларини ўзгартириш саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказилиши керак.

Лойиха хужжатларини ишлаб чиққан ташкилотлар хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатиш жараёнида белгиланган тартибда муаллифлик назоратини амалга оширади.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектини фойдаланишга қабул қилиб олиш белгиланган тартибда ўтказилади. Хавфли ишлаб чиқариш обьектини фойдаланишга қабул қилиб

олиш жараёнида хавфли ишлаб чиқариш объектининг лойиха хужжатларига мувофиқлиги, ташкилотнинг хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланишга ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектида авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш бўйича харакатларга тайёрлиги текширилади.

9-модда. Хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланишга оид саноат хавфсизлиги талаблари

Хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилот:

саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун хужжатларида, шунингдек норматив техник хужжатларда кўрсатилган талабларга риоя этиши;

хавфли ишлаб чиқариш объекти ходимлари штатининг белгиланган талабларга мувофиқ тўлдирилишини таъминлаши;

хавфли ишлаб чиқариш объектидаги ишга оид малака талабларига жавоб берадиган ва кўрсатилган ишга тиббий жихатдан лойик шахсларни қўйиши;

хавфли ишлаб чиқариш объектлари ходимларининг тайёргарликдан ва аттестациядан ўtkазилишини таъминлаши;

ишлаб чиқариш жараёни устидан назорат қилувчи зарур асбоблар ва тизимларнинг белгиланган талабларга мувофиқ мавжуд бўлиши ҳамда ишлашини таъминлаши;

ушбу Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ саноат хавфсизлиги экспертизаси ўтказилишини, шунингдек хавфли ишлаб чиқариш объектида қўлланиладиган иншоотлар ва техника қурилмалари диагностикаси, синовлари, текшируви ўтказилишини белгиланган муддатларда ва маҳсус ваколатли давлат органи ёки қонун хужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айrim ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органларининг белгиланган тартибида тақдим этиладиган ёзма кўрсатмасига биноан таъминлаши;

бегона шахсларнинг хавфли ишлаб чиқариш объектига рухсатсиз киришининг олдини олиши;

хавфли моддаларни сақлашга оид саноат хавфсизлиги талабларининг бажарилишини таъминлаши;

саноат хавфсизлиги декларациясини белгиланган тартибида ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши;

маҳсус ваколатли давлат органи ва қонун хужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айrim ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органларининг буйруқлари, қарорлари ва ёзма кўрсатмаларини бажариши;

авария ёки ноxуш ҳодиса юз берган, шунингдек саноат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар аниқланган тақдирда, хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиши тўхтатиб туриши;

хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текширишда иштирок этиши, аварияга олиб келган сабабларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриши;

хавфли ишлаб чиқариш объектида ноxуш ҳодисанинг юзага келганлиги сабабларини таҳлил қилиши, мазкур сабабларнинг бартараф этилиши ва олдини олиш чораларини кўриши;

маҳсус ваколатли давлат органини, қонун хужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айrim ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ахолини хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария тўғрисида ўз вақтида белгиланган тартибида хабардор қилиши;

авария юз берган тақдирда, хавфли ишлаб чиқариш объектлари ходимларининг ҳаёти ва соғлини мухофаза килиш чораларини кўриши;

хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авариялар ва нохуш ходисалар хисобини олиб бориши шарт.

10-модда. Хавфли ишлаб чиқариш обьекти ходимларига қўйиладиган саноат хавфсизлиги талаблари

Хавфли ишлаб чиқариш обьектининг ходимлари:

саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун хужжатларида, шунингдек норматив техник хужжатларда кўрсатилган талабларга риоя этишлари;

саноат хавфсизлиги соҳасида тайёргарликдан ва аттестациядан ўтишлари;

хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария ёки нохуш ходиса ҳақида тегишли шахсларни дарҳол хабардор қилишлари;

хавфли ишлаб чиқариш обьектида авария ёки нохуш ходиса юз берган тақдирда, ишларни белгиланган тартибда тўхтатиб туришлари;

хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш бўйича ишларни амалга оширишда белгиланган тартибда иштирок этишлари шарт.

11-модда. Хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш бўйича ҳаракатларга тайёргарлик кўришга оид саноат хавфсизлиги талаблари

+

-

Хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланувчи ташкилот:

хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш тадбирларини режалаштириши ҳамда амалга ошириши;

тегишли профессионал авария-күтқарув хизматлари билан хизмат кўрсатишга доир шартномалар тузиши, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса ўз авария-күтқарув хизматларини ёки ходимлари жумласидан штатсиз авария-күтқарув тузилмаларини ташкил этиши;

хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш учун қонун хужжатларига мувофиқ молиявий маблағлар ва моддий ресурсларнинг захирасига эга бўлиши;

хавфли ишлаб чиқариш обьектида авария ёки нохуш ходиса юз берган тақдирда, ходимларини бажариладиган ҳаракатларга ўқитиши;

хавфли ишлаб чиқариш обьектида авария эҳтимолини назарда тутган ҳолда кузатиш, хабар қилиш, алоқа ва ҳаракатларга кўмаклашиш тизимларини ташкил этиши, шунингдек мазкур тизимларни яроқли ҳолатда сақлаб туриши шарт.

12-модда. Саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати

Саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати саноат хавфсизлиги талабларининг хавфли ишлаб чиқариш обьектларидан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан бажарилишини текшириш максадида амалга оширилади.

Саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати маҳсус ваколатли давлат органи, шунингдек қонун хужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

13-модда. Хавфли ишлаб чиқариш обьектида қўлланиладиган техника қурилмаларини сертификатлаштириш

Хавфли ишлаб чиқариш обьектида қўлланиладиган техника қурилмалари саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги жиҳатидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий сертификатлаштирилиши керак.

14-модда. Саноат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15-модда. Саноат хавфсизлиги экспертизаси

Саноат хавфсизлиги экспертизаси экспертиза обьектининг унга нисбатан қўйиладиган саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолашдир.

Кўйидагилар белгиланган тартибда саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўткалиши керак:

хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиха ҳужжатлари;

хавфли ишлаб чиқариш обьектида қўлланиладиган техника қурилмалари;

хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги бинолар ва иншоотлар;

саноат хавфсизлиги декларацияси ва хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар.

Саноат хавфсизлиги экспертизасини уни ўтказиш учун белгиланган тартибда аккредитацияга эга бўлган ташкилотлар хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланаётган ёки ундан фойдаланишни мўлжаллаётган ташкилот маблағлари хисобидан ўтказади.

Экспертиза хулосаси саноат хавфсизлиги экспертизасининг натижасидир.

Саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш тартиби ва экспертиза хулосасини расмийлаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблар маҳсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

16-модда. Хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш

Хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги ҳар бир авариянинг вужудга келиши факти бўйича унинг сабабларини техник жиҳатдан текшириш маҳсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш маҳсус ваколатли давлат органининг вакили бошчилик қиласидаги комиссия томонидан ўтказилади. Мазкур комиссия таркибига кўйидагилар киритилади:

худудида хавфли ишлаб чиқариш обьекти жойлашган маҳаллий давлат ҳокимияти органи вакиллари;

хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланувчи ташкилот вакиллари;

қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ташкилотлар вакиллари.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текширувчи комиссия текширувча саноат хавфсизлиги, қидирав, лойихалаш, илмий-тадқикот ишлари, сугурта, ускуналарни тайёрлаш соҳасидаги ва бошқа соҳалардаги эксперт ташкилотлари, экспертлар ва мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланувчи ташкилот ва унинг ходимлари, шунингдек бошқа ташкилотлар ва давлат органлари ўз ваколатлари доираси-

да хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текширувчи комиссияга унинг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур ахборотни тақдим этишлари шарт.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилиб, унда авария сабаблари ва ҳолатлари, етказилган зарар миқдори, саноат хавфсизлиги талабларининг йўл қўйилган бузилишлари, хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланувчи ташкилотнинг бу бузилишларга йўл қўйган ходимлари, авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш учун кўрилган чоралар ҳамда бундай аварияларнинг олдини олишга қаратилган таклифлар кўрсатилади.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш харажатларини молиялаштириш хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланувчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

17-модда. Хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш бўйича давлат комиссиясини тузиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси белгилаган ҳолларда ва тартибда хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш бўйича давлат комиссияси тузилади.

18-модда. Саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назорати

+ Хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланувчи ташкилот белгиланган саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини ташкил қилиши ва амалга ошириши шарт.

-

Саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратининг ташкил қилиниши тўғрисидаги маълумотлар махсус ваколатли давлат органига ёки саноат хавфсизлиги соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ айrim ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органларига тақдим этилади.

19-модда. Саноат хавфсизлиги декларацияси

Аҳолини ва худудларни хавфли ишлаб чиқариш обьектларидаги авариялардан муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда давлат органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва аҳолини саноат хавфсизлигининг ҳолати тўғрисида хабардор этиш максадида хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланувчи ташкилот саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқади.

Ушбу Қонун 4-моддаси 1-бандининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошила-рида кўрсатилган хавфли моддалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланган энг юкори нормага тенг ёки ундан ортиқ миқдорларда ишлаб чиқариладиган, фойдаланиладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сакланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган хавфли ишлаб чиқариш обьектлари учун саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш шарт.

Саноат хавфсизлиги декларацияси хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария хавфига берилган ҳар томонлама баҳони, авариянинг олдини олиш, хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланувчи ташкилотнинг хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланишга, шунингдек авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатишга тайёрлигини таъминлаш юзасидан кўрилган чораларнинг қай даражада етарли эканлигининг таҳлилини ўз ичига олиши керак.

Саноат хавфсизлиги декларацияси хавфли ишлаб чиқариш объектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиха хужжатлари таркибида ишлаб чиқилади ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиш билан боғлик фаолиятга лицензия олиш учун мурожаат килинган, саноат хавфсизлиги декларациясидаги маълумотлар ўзгарган ёки саноат хавфсизлиги талаблари ўзгарган тақдирда, саноат хавфсизлиги декларациясига аниқлик киритилади ёки у янгидан ишлаб чиқилади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилотнинг саноат хавфсизлиги декларациясини тасдиқлаган раҳбари ундаги маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Саноат хавфсизлиги декларацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда ишлаб чиқилади ва давлат органларига, жамоат бирлашмаларига ҳамда фуқароларга тақдим этилади.

20-модда. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган холда зарар етказганлик учун жавобгарликни мажбурий суғурта қилиш. Иш берувчининг жавобгарлиги

Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган холда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлифи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун жавобгарлик қонун хужжатларида белгиланадиган тартибда мажбурий суғурта қилиниши керак.

Иш берувчи хавфли ишлаб чиқариш обьекти ходимларининг ҳаёти, соғлифи ва мол-мулкига зарар етказганлик учун меҳнатга оид қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

21-модда. Саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлиқца айбордор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

22-модда. Конун хужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлини ва бекор қилишини таъминласин.

23-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 сентябрь,
ЎРК-57-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

387 Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, унинг ошкоралиги ва барқарор фаолиятини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини фаоллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда асиядорларнинг ҳуқуқлари химоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги акциядорлик компаниялари ҳамда фонд тузилмалари билан биргаликда ишлаб чиқкан 2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастури иловага* мувофиқ маъкуллансин, унда куйидаги чора-тадбирлар назарда тутилади:

+

корхоналарни тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш ва янги акциядорлик жамиятлари тузиш ҳисобига қимматли қоғозлар бирламчи бозорини янада ривожлантириш;

-

қимматли қоғозлар иккиласми бозори миёсларини жадал ривожлантириш ва кенгайтириш;

фонд бозорининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш;

қимматли қоғозлар бозори учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишини ташкил қилишини яхшилаш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ижро этувчи вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Дастурдаги чора-тадбирлар белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда корпоратив облигациялар чиқариш фақат очик турдаги акциядорлик жамиятлари томонидан:

облигациялар чиқариш тўғрисида карор қабул қилинган кунга аудитор ташкилотининг хulosаси билан тасдиқланган ўз шахсий капитали миқдори доирасида;

кейинги уч йил ичida рентабеллик, тўлов кобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик жиҳатидан ижобий кўрсаткичларга эга бўлган, аудитор ташкилотининг хulosалари билан тасдиқланган, шунингдек мустақил рейтинг баҳосини олган ОАЖлар;

эмитентлар томонидан инвесторларга тегишли маблағларни тўлаш бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банкларининг иштирокида амалга оширилади.

3. Куйидагилар белгилансин:

* Илова берилмайди.

акциядорлик жамиятининг ҳар йилги бизнес-режаси келгуси молия йилининг 1 декабридан кечиктирмай кузатувчи кенгаш мажлисида маъқулланиши лозим;

акциядорлик жамиятларининг кузатувчи кенгашлари қонунда белгиланган корпоратив бошқарув нормаларига риоя этиш бўйича акциядорларнинг умумий йифилишларида ҳар йили хисобот берадилар;

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан кўпроқ бўлган корхоналарда кузатувчи кенгашлар томонидан тайинланадиган ва уларга хисобот берадиган ички аудит хизматлари ташкил этилади;

устав капиталида давлат акциялари (улушлари) пакети 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташкил аудитни ўтказиш учун аудитор ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади.

4. Солик кодексида белгиланган тартибининг амал қилиши депозитарий хизматлари ва қимматли қофозлар савдосини ташкил қилиш хизматларига татбиқ этилсин, унга мувофиқ қимматли қофозлар айланиши бўйича операциялар қўшилган қиймат солигидан озод қилинади.

5. Белгилансинки, 2006 йилнинг 1 октябридан бошлаб:

ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядорлар қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадлари соликка тортиш обьекти хисобланмайди;

қимматли қофозлар бозорида брокерлик (воситачилик) фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар ялпи даромаднинг 10 фоизи миқдоридаги ставка бўйича ягона солик тўлайдилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда 2007 йилнинг 1 январигача Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни лойихасини ишлаб чиқсан ҳамда Вазирлар Махкамасига киритсинг, унда қимматли қофозлар бозори бўйича амалдаги қонун хужжатларининг коидаларини халқаро стандартларга мувофиқ унификациялаш ва такомиллаштириш назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсинг;

вазирликлар ва идораларнинг норматив хужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 сентябрь,
ПҚ-475-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

388 Малайзия фуқаролари учун виза тартибини соддлаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Малайзия ўртасидаги сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада авж олдириш, Ўзбекистон Республикаси иш юзасидан ва сайёхлик ҳамда зиёрат қилиш мақсадида келаётган Малайзия фуқароларига визаларни расмийлаштириш иш тартибини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

— Ўзбекистонга иш юзасидан келадиган Малайзия фуқароларига Ўзбекистон Республикасидаги таклиф қиласиган юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат этиши талаби бекор қилинган ҳолда, 6 ой муддатгача бўлган кўп марталик визаларни Ўзбекистон Республикасининг чет эл муассасаларида ҳужжатлар қабул қилинган кун хисобга олинмасдан 2 иш куни мобайнида расмийлаштиурсин;

— Ўзбекистонга сайёх сифатида, шунингдек, зиёрат учун келадиган Малайзия фуқароларига «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг сайёхлик ваучерларини ёки бошқа сайёхлик ташкилотларининг таклифномаларини тақдим этиш талаби бекор қилинган ҳолда, 1 ой муддатгача бўлган кўп марталик визаларни ҳужжатлар қабул қилинган кун хисобга олинмасдан 2 иш куни мобайнида расмийлаштиурсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўз идоравий норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 сентябрь,
ПҚ-476-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

389 Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиш мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг, ошкора фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ушбу босқичдаги ишлари ахборотлар алмашишнинг замонавий талаблари ва стандартларига ҳали тўлиқ жавоб бермайди, зарур даражадаги фаоллик мавжуд эмас, етарли ташаббускорлик кўрсатилмаяпти.

Аҳолини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти, мамлакатда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар тўғрисида хабардор қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Махкамаси **карор қиласди**:

1. Вазирликлар, давлат кўмиталари, агентликлар, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари (кейинги ўринларда идоралар деб аталади) таркибида ходимларнинг умумий сони доирасида ахборот хизматлари ташкил этилсин, кўйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

идора раҳбарияти томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда катнашиш;

идора фаолияти соҳасидаги норматив-хукукий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаш;

миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида идора фаолиятининг долзарб жиҳатларини, тегишли соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини ёритиш;

интернет тармоғида идора веб-ресурсларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;

идора фаолиятига нисбатан ижтимоий фикрнинг ахволини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида идора раҳбариятини хабардор қилиш.

2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизмати тўғрисидаги Намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Юқорида кўрсатиб ўтилган идоралар:

экспертизадан ўтказиш ва кейинчалик тегишли идора раҳбари томонидан тасдиқланаш учун икки ой муддатда Намунавий низом асосида идоралар ахборот хизматла-

рининг низоми ва ташкилий-штат тузилмаси лойихаларини ишлаб чиқсинлар ҳамда кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексига киритсинлар;

икки ой муддатда ахборот хизматларини журналистика, жамоатчилик билан алоқаларни ташкил этиш соҳасидаги юқори малакали мутахассислар билан таъминласинлар;

ахборот хизматини унинг ишларини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган замонавий моддий-техник база билан таъминласинлар;

ахборот хизматининг идоранинг бошқа бўлинмалари, идорага қарашли тузилмалар билан зарур даражадаги ўзаро ҳамкорлигини ташкил этсинлар;

ахборот хизматлари томонидан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мунтазам равишда (ҳар ойда камида бир марта) матбуот конференциялари, брифинглар ўтказилишини амалда жорий этсинлар;

бир ой муддатда идоравий норматив хужжатларга ушбу қарор талабларидан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Р.С.Қосимов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 163-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастурини амалга ошириш доирасида идораларнинг ахборот хизматлари ходимларини ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н. Арипов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

+

-

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 22 сентябрь,
203-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 22 сентябрдаги 203-сон қарорига
ИЛОВА

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизмати тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ахборот хизмати (кейинги ўринларда Хизмат деб аталади) давлат ва хўжалик бошқаруви органи (кейинги ўринларда идора деб аталади) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси хисобланади.

2. Хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва

фармойишларига, идоранинг норматив ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қиласди.

3. Хизмат ўз фаолиятини идоранинг худудий ва таркибий бўлинмалари ҳамда республиканинг бошқа вазирликлари ва идоралари тегишли хизматлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

II. Хизматнинг асосий вазифалари

4. Қўйидагилар Хизматнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

идора раҳбарияти томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда катнашиш;

идора фаолияти соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаш;

миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида идора фаолиятининг долзарб жиҳатларини, тегишли соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини ёритиш;

интернет тармоғида идора веб-ресурсларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;

идорага нисбатан ижтимоий фикрнинг аҳволини ҳамда маҳаллий, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари муносабатини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида идора раҳбариятини хабардор қилиш.

III. Хизматнинг функциялари

5. Қўйидагилар Хизматнинг асосий функциялари ҳисобланади:

Хизмат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотларни идоранинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда тўплаш ва ишлаш;

оммавий ахборот воситалари учун хабарларни (пресс-релизлар, бюллетенлар, обзорлар ва шу кабиларни) тайёрлаш ва тарқатиш;

идора фаолиятига доир масалалар бўйича босма материалларни тайёрлаш ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилиш, теле ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш, тегишли соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

идора раҳбарияти ва ходимларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот конференциялари, брифинглари, мусоҳабалари ва бошқа учрашувларини ташкил этиш;

идора фаолиятига доир масалалар бўйича ижтимоий фикрни ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини ўрганишга доир таҳлилий ишларни амалга ошириш. Идора раҳбариятига ахборот бериш учун эълон қилинган долзарб материаллар шарҳларини тайёрлаш;

оммавий ахборот воситалари билан ахборот-маълумотнома ишларини амалга ошириш учун идора фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг тизимлаштирилган маълумотлар банкини ташкил этиш;

идора фаолиятини энг тўлиқ ва холисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

интернет тармоғида идоранинг веб-сайтини ташкил этиш ва уни замонавий даражада сақлаш.

6. Хизмат ўз ваколатлари доирасида миллий ва хорижий ахборот агентликла-ри ҳамда оммавий ахборот воситаларининг идора фаолияти тўғрисидаги материаларни тайёрлашда кўмаклашиш тўғрисидаги буюртманомалари ва сўровларини кўриб чиқади.

IV. Хизматнинг ҳуқуқлари

7. Хизмат ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйида-ги ҳуқуқларга эга:

Хизматнинг вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган ахбо-ротларни идоранинг бошқа бўлинмаларидан, идорага қарашли ташкилотлардан бел-гиланган тартибда сўраб олиш;

идоранинг йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

қўйилган вазифаларни бажариш учун идора раҳбари билан келишган ҳолда идоранинг бошқа бўлинмалари ходимларини, шунингдек бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва экспертларини жалб этиш, шу жумладан контракт асосида жалб этиш;

бошқа идораларнинг ахборот хизматлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

раҳбариятнинг топшириғига кўра давлат органларида, республика ва ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Хизмат ваколатига таалукли масалалар бўйича идора номидан вакиллик қилиш;

ўз ваколатлари доирасида босма нашрларни нашр этиш;

+ идоранинг ахборот сиёсатини такомиллаштиришга доир тақлифларни, Хизмат фаолияти масалалари бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини раҳбариятнинг кўриб чиқиши учун киритиш.

-

V. Хизмат фаолиятини ташкил этиш

8. Хизмат ходимлари сони у амалга оширадиган вазифаларнинг мураккаблиги ва ҳажмига кўра идора раҳбари томонидан, ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида белгиланади.

9. Хизмат фаолияти идора раҳбари томонидан тасдиқланадиган ишлар режаси асосида ташкил этилади.

10. Хизматни идора раҳбари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозим-дан озод қилинадиган раҳбар бошқаради. Хизмат раҳбари айни бир вақтда идора раҳбарининг матбуот котиби хисобланади.

Хизмат раҳбари:

Хизмат фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда Хизматга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Хизмат фаолиятини ташкил этади, режалаштиради ва назорат қиласи, идора-нинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

Хизматда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни таъминлайди, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Хизмат ходимларининг малакасини ва касб бўйича савиясини ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

11. Хизмат ходимлари Хизмат раҳбарининг тақдимномасига кўра белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

12. Хизмат фаолиятининг ахборот, ҳуқуқий, моддий-техник ва транспорт таъ-

миноти, шунингдек унинг ходимларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш идоранинг таркибий бўлинмалари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

390 Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш масалалири тўғрисида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага* мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш комиссияси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 сентябрь,
205-сон

+

* 2-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 27 сентябрдаги 205-сон қарорига
1-илова

**Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари
тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.
2. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхталиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади
Комиссия фаолияти Комиссия тўғрисидаги низомга мувофиқ ташкил этилади.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.
3. Ишчи орган лицензия бериш тўғрисидаги аризаларни тегишли ҳужжатлар билан қабул қиласди, улар юзасидан эксперт хulosаси тайёрлайди, лицензияларни расмийлаштиради ва қайта расмийлаштиради, лицензия битимлари тузади, лицензиялар реестрини юритади, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қиласди, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради ва тиклайди.
4. Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.
5. Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш хукуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.
Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг бир қисмига берилади.
6. Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини амалга оширишга лицензия амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қўйидагилар қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари хисобланади:
қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш, қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асиллик даражасини белгилаш ва тамғалаш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, қимматбаҳо металлар ва тошларнинг, таркибида қимматбаҳо металлар ва тошлар бўлган буюмларнинг муомалада бўлишига оид норматив-техник ва бошқа талабларга мажбурий тарзда риоя қилиш;
қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлашни тартибга солишга доир норматив-техник ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;
лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун зарур ва белгиланган та-

лабларга мувофиқ бўлган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларнинг мавжуд бўлиши;

белгиланган талабларга мувофиқ хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни, қимматбаҳо металлар ва тошлар чиқиндилари хамда парчаларини ҳисобга олиш ва сақлашнинг таъминланиши;

юридик шахс штатида қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш соҳасида маҳсус маълумотга ёки ушбу соҳада камидаги йиллик иш стажига эга бўлган камидаги бир нафар ходим бўлиши;

жисмоний шахснинг қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш соҳасида маҳсус маълумотга ёки ушбу соҳада камидаги йиллик иш стажига эга бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасининг қимматбаҳо металлар ва тошлар билан операцияларни амалга оширишга берилган рўйхатдан ўтказиш гувохномасининг мавжуд бўлиши.

8. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатиб ўтилган лицензия талаблари ва шартларидан аниқ талаблар ва шартлар назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади:

— юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб раками;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсина тасдиқловчи ҳужжатга оид маълумотлар;

лицензияланадиган фаолият турни;

б) қўйидагилар:

юридик шахс учун — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

жисмоний шахс учун — якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) ариза қўриб чиқилганлиги учун лицензия талабори томонидан йигим тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;

г) лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар тўғрисидаги маълумотлар;

д) лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириладиган бинолар ва хоналарга мулк хуқуқини ёки бошқа ашёвий хуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат;

е) мавжуд бино ва хоналарнинг ёнгин хавфсизлиги қоидалари талабларига, санитария-гигиена ва экология нормаларига мувофиқлиги тўғрисида ёнгиндан саклаш ва санитария-эпидемиология органлари, табиатни муҳофаза қилиш органларининг холосалари.

10. Лицензия талаборидан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга ўйлайтилди.

11. Ҳужжатлар лицензия талабори томонидан ишчи органга бевосита ёхуд

олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Хужжатлар ишчи органнинг масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси хужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги кўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабори конун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиши ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

12. Ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талаборидан конун хужжатларида тўлов кунида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади. Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ишчи орган хисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилилади.

13. Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган Схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

+ Ишчи орган ариза олинган кундан бошлаб йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда хужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хulosаси тайёрлайди ва лицензия талаборига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидағи таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга тақдим этади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ҳамда қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарорлари сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

14. Ишчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қиласди.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига банк хисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Лицензия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талаборига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро хукуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битими ишчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади ҳамда унда куйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва ишчи орган учун бир нусхадан тузилади.

15. Лицензиялар бланкалари қатъий хисобда турадиган ҳужжатлар хисобланади, хисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари намуналари ишчи орган томонидан ишлаб чиқилди, Комиссия томонидан тасдиқланади ҳамда ишчи орган буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмахона усулида тайёрланади. Лицензиялар бланкаларининг хисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун ишчи орган раҳбари белгиланган тартибда шахсан жавоб беради.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринbosари) томонидан имзоланади.

16. Лицензия лицензия талабори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

17. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги хақида ги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнода ишчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлиди.

18. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи орган мансабдор шахсининг хатти-харакати (харакатсизлиги) юзасидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

19. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқишига тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган холда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

20. Лицензия талабори томонидан лицензия беришнинг рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиши лицензия талаборининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи орган ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди, лицензия талаборига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан бирга тасдиқлаш учун Комиссияга тақдим этади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги потоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринbosари) томонидан имзоланади.

Лицензия талаборларининг аризалари тақроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза хисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, дубликат бериш

21. Лицензиат — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг хукуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Лицензиат — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

22. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

23. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талаборининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми микдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг хисоб ракамига ўтказилаади.

24. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талаборининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми микдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг хисоб ракамига ўтказилаади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

25. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги хукуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун хужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан зарур ахборотни лицензиатдан сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари

ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензияланадиган фаолият лицензия расмийлаштирасдан амалга оширилишининг аниқланган ҳолатлари тўғрисидағи материалларни қонун хужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш учун солик органларига белгиланган тартибда юбориш.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ишчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ишчи органда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Ишчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда ишчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг бекор қилиниши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

31. Ишчи орган лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестирида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-хукуқий шакли, поча манзили, телефон рақами;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, телефон рақами;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;
 лицензия умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
 лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;
 лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
 дубликат бериш асослари ва санаси;
 лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

32. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар тўлов асосида ишчи органдан аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирма сифатида маълумот олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш хақининг ярми миқдоридаги тўлов ишчи орган хисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига текин берилади.

33. Реестрдан маълумот бериш муддати тегишли ариза берилган кундан бошлаб уч кундан ошмаслиги керак (маълумот берилиши учун тўлов тўланганлиги тўғрисида хужжат тақдим этилган тақдирда).

IX. Давлат божини тўлаш тартиби

+


34. Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун конун ҳужжатларида тўлов кунида белгиланган энг кам ойлик иш хақининг етти баравари миқдорида давлат божи ундирилади.


Лицензиялар берилганлиги учун давлат божи маблағлари республика бюджети даромадига ўтказилади.

-

Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш түғрисидаги низомга ИЛОВА

Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш схемаси





Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 27 сентябрдаги 205-сон қарорига
3-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш комиссияси түғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

+ 1. Ушбу Низом Вазирлар Маҳкамасининг қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) вазифалари, функциялари ва хуқуқларини, шунингдек унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенттинг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга ҳамда ушбу Низомга амал қиласди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

II. Комиссиянинг вазифалари ва функциялари

4. Қўйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари хисобланади:
юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш бўйича фаолияти лицензияланишини таъминлаш;

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил қилиш;

қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш бўйича фаолияти тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш.

5. Комиссия ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ишчи органнинг лицензия талабгорларига лицензия бериш ёки беришни рад этиш

тўғрисидаги эксперт хулосалари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар бўйича қарорлар қабул қиласди;

ишчи орган, давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ёки лицензияларни бекор қилиш тўғрисидаги хулосаларини кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қиласди;

ишчи органнинг лицензиялар бериш тўғрисидаги аризаларни ва тегишли ҳужжатларни қабул қилиш, эксперт хулосалари тайёрлаш, лицензияларни расмийлаштириш ва қайта расмийлаштириш, лицензия битимларини тузиш, лицензиялар реестрини юритиш, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш бўйича фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

ишчи органнинг лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши тўғрисидаги хисоботларини эшитади;

ишчи органнинг тақдимномасига кўра лицензия битимининг намунавий шаклини, шунингдек лицензия бланкалари намунасини тасдиқлайди.

Комиссия конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

III. Комиссиянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Комиссия ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуидаги ҳуқуқларга эга:

ишчи органдан, тегишли вазирликлар ва идоралардан ўзининг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ахборотларни сўраш ва олиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви тегишли органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларига лицензияланадиган фаолиятнинг лицензия олмасдан амалга оширилиши, қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари бўйича таклифлар киритиш;

қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш бўйича фаолиятни лицензиялашнинг айрим масалалари юзасидан таклифлар ва хулосалар тайёрлаш учун вактинчалик ишчи ва эксперт гурухлар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш бўйича фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришга доир таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш.

Комиссия конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Комиссия ўзига юклangan вазифалар ва функцияларнинг зарур даражада, самарали ва ўз вақтида бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

8. Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган раис, унинг ўринбосари, Комиссия аъзолари ва унинг котибидан иборат бўлади. Комиссиянинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

9. Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил қиласди ва унга раҳбарлик қиласди;

Комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Комиссия мажлислари протоколларини тасдиқлайди, лицензияларни имзолайди;

Комиссия аъзоларига, ишчи органга ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига Комиссия фаолияти билан боғлик масалалар бўйича топшириклар беради; бошқа ваколатларни амалга оширади.

Комиссия раиси бўлмаган холларда, шунингдек унинг топшириғига кўра раиснинг функцияларини унинг ўринбосари бажаради.

10. Ишчи орган:

лицензиялар бериш тўғрисидаги аризаларни тегишли хужжатлар билан бирга қабул қиласди, улар бўйича эксперт хulosаси тайёрлайди;

лицензияларни расмийлаштиради ва қайта расмийлаштиради;

лицензия битимлари тузади;

лицензиатлар реестрини юритади;

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради ва тиклайди;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

11. Комиссия фаолиятини ташкилий-техник таъминлаш ишчи орган томонидан амалга оширилади.

12. Лицензия талаборига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор Комиссия томонидан лицензия талаборининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмайдиган муддатда қабул қилинади.

Ишчи орган ариза олинган кундан бошлаб йигирма кундан ошмайдиган муддатда хужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хulosаси тайёрлайди ҳамда лицензия талаборига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни қарор протоколининг тегишли лойихаси билан Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

13. Комиссия ўз мажлисларини заруриятга кўра, шунингдек ишчи органнинг лицензиялар бериш ёки лицензиялар беришни рад этиш, лицензияларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги таклифлари олингандан кейин 10 кун мобайнода ўтказади. Комиссия ўз мажлисида ишчи органнинг таклифини кўриб чиқади ва қарор протоколини тасдиқлади.

14. Комиссия мажлисини тайёрлашда Комиссия котиби мажлисдан кечи билан бир кун олдин Комиссия аъзоларини Комиссия мажлиси ўтказиладиган сана, жой ва вақт тўғрисида хабардор қиласди.

15. Комиссия мажлиси унда Комиссия аъзоларининг камида тўртдан уч қисми иштирок этган тақдирда қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлади. Комиссия қарорлари сўров ўйли билан қабул қилиниши мумкин.

Комиссия қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протоколлар билан расмийлаштирилади. Овозлар teng бўлган тақдирда Комиссия раисининг (у бўлмаганда — раис ўринбосарининг) овози ҳал қилувчи хисобланади. Комиссия мажлиси протоколида лицензия талаборининг хужжатларини кўриб чиқиш натижалари ва улар бўйича қисқача эксперт хulosаси акс эттирилади.

Комиссия қабул қилган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан, Комиссия мажлисидан кейин бир кундан ошмайдиган муддатда (такрорий кўриб чиқиша — Комиссия қарори протоколи лойихаси тақдим этилгандан кейин тўрт кун мобайнода) имзоланади.

Имзоланган протоколни Комиссиянинг масъул котиби рўйхатдан ўтказади, у протоколнинг биринчи нусхасини сақлаш учун ўзида колдиради, иккинчи нусхасини эса ишчи органга жўнатади.

16. Ишчи орган лицензия талаборини қабул қилинган қарор тўғрисида Комис-

сиянинг тегишли қарори қабул қилгандан кейин уч кун мобайнода хабардор қиласди.

Лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк хисоб рақами реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда жўнатилади (топширилади).

17. Лицензиат томонидан лицензия битими имзолангандан ва давлат божи тўлангандан кейин 2 кун муддатда ишчи орган лицензия бланкаларини расмийлаштиради.

Расмийлаштирилган лицензия бланкалари уларни Комиссия раиси (унинг ўринбосари) имзолаши учун ишчи орган томонидан Комиссияяга жўнатилади.

18. Ишчи орган имзоланган лицензияларни муҳр билан тасдиқлайди ва лицензиатга беради ҳамда реестрда тегишли ёзувни қайд этади.

Вазирлар Махкамасининг
2006 йил 27 сентябрдаги 205-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

— +
1. Вазирлар Махкамасининг «Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2003 йил 12 ноябрдаги 503-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 11-сон, 115-модда).

2. Вазирлар Махкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 33-илова.

3. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгаришилар киритиш тўғрисида» 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига 2-илова 36-бандининг йигирма тўққизинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 2-сон, 13-мода).

4. Вазирлар Махкамасининг «Айrim республика комиссиялари ва кенгашлари таркиби ўзгаришилар киритиш тўғрисида» 2005 йил 7 ноябрдаги 244-сон қарорига 1-илова 10-бандининг ўн еттинчи хатбоши.

5. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгаришилар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон қарори)» 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига илованинг 32-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИННИНГ
ҚАРОРИ

391 Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси томонидан ўтказиладиган биржа савдоларида пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
25 сентябрда 1623-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 иил 5 октябрдан күчгө киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги, 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Махсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юкори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизmlари-ни жорий этишини давом эттириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **карор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси томонидан ўтказиладиган биржа савдоларида пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги низом илова^{*} мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси ва ЎзРТХАБ ОАЖнинг 2004 йил 6 майдаги 32, 01/24-30, 61, 4-1-167, 42-01/245-сонли «Кимошди савдоларида пахта шроти (кунжара)ни ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги Вақтингчалик низом» ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансан (2004 йил 7 июнь, рўйхат раками 1368 — Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 22-23-сон, 271-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан сўнг ўн кун ичидаги кучга киради.

Иқтисодиёт вазири Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 август,
5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 август,
72-сон

Давлат мулки қўмитаси раиси Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 август,
01/УзРТСБ-01-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

**392 Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг
Миллий стандарти (4-сон АФМС) Аудиторлик таш-
килотларининг ички стандартларига қўйиладиган талаблар-
ни тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
25 сентябрда 1624-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 5 октябрдан кучга киради)

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 21-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (4-сон АФМС) «Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларига қўйиладиган талаблар» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 август,
76-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 23 сентябрдан 29 сентябргача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси томонидан ўтказиладиган биржа савдоларида пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси *Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 16 августдаги 5, 72, 01 /УзРТСБ-01-сонли қарори.*

2006 йил 25 сентябрда 1623-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 05 октябрдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг Миллий стандарти (4-сон АФМС) «Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларига қўйиладиган талаблар»ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси *Молия вазирининг 2006 йил 21 августдаги 76-сонли буйруғи.*

2006 йил 25 сентябрда 1624-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 05 октябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Эркин сотиш ва хорижий инвесторларга мўлжалланган акцияларни сотишдан олинган пул маблағларини «Охангаронцемент» ва «Қизилқумцемент» акциядорлик уюшмаларига бериш, фойдаланиш ва қайтариш тартиби. Ўзбекистон Республикаси *Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (1999 йил 28 сентябр, рўйхат рақами 825).*

Адлия вазирининг 2006 йил 25 сентябрдаги 157-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Кимошли савдоларида пахта шроти (кунжара)ни ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги Вактинчалик низом. Ўзбекистон Республикаси *Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси, Товар хом-ашё биржаси томонидан тасдиқланган (2004 йил 7 июн, рўйхат рақами 1368).*

Адлия вазирининг 2006 йил 25 сентябрдаги 158-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 январдаги 36-сонли қарорини бажариш чора-тадбирлари ҳақида». Ўзбекистон Республикаси *Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган (2003 йил 10 феврал, рўйхат рақами 1215)*

Адлия вазирининг 2006 йил 27 сентябрдаги 160-мҳ-сон буйруги билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 9 ноябрдаги 01-305-сон буйруғи.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2006 йил 28 июндаги 10-14 / 304-сон хати.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирманган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

—

+